



Юрт истиқболини ўйлаб яшаш — олий бахт!

# Фермер

Ижтимоий-иқтисодий журнал. 2017 йил. Ноябрь



# ЧИҒАНОҚ ҚЎЗИҚОРИН

## агарли пиво суслосида ундирилганда энг юқори кўрсаткични беради

**Мазкур тадқиқот ишида чиғаноқ қўзиқорининг P. ostreatus оналик культурасини етиштириш учун сунъий озиқа муҳитларда агарли пиво, картошкали агарли озиқа муҳитларга экиш учун уларнинг колония диаметри аниқлаб олинди. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда республикамизда истеъмол қилинадиган қўзиқорилардан *Pleurotus ostreatus* ва *Agaricus bisporius* турлари етиштирилади.**

Шундан келиб чиққан ҳолда ҳозирда ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган НК35, РР77 штаммлар ва маҳаллий 12 штамм тажриба учун олинган озиқа муҳитларида ўсиши ва ривожланиши кузатилди.

Истеъмол учун етиштириладиган *P.ostreatus* қўзиқорининг штаммлари сунъий озиқа муҳитлари Петри ликобчаларга экилганда бир сутка давомида ўртача 0,6-0,8 см. га ўсиши аниқланган. Уларнинг колониялари оқ рангли бўлиб, концентрик ҳолатда ўсади. Оналик культуралари экиш учун 7-10 суткада тайёр бўлади.

Оналик культураларини етиштиришда асосан агарли пиво суслоси ва картошкадан тайёрланган агарли озиқа муҳитларидан фойдаланилади. Ҳозирда ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган НК35, РР77 штаммлар ва маҳаллий 12 штамм тажриба учун олинган озиқа муҳитларида ўсиши ва ривожланиши яхши. Агарли пиво суслосида уларнинг бу кўрсаткичи энг юқори бўлди.

**P. ostreatus оналик культурасининг ўсиш ва ривожланишига озиқа муҳитларининг таъсири**

| Штамм вешенки | Колония диаметри, см. 2-суткада 4-суткада 7-суткада | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2-сутка | | 4-сутка | | 7-сутка | |
| | сусло агар | картошкали агар | сусло агар | картошкали агар | сусло агар | картошкали агар |
| НК35 | 2,3 | 2,1 | 5,1 | 4,7 | 9,5 | 8,9 |
| Р77 | 1,9 | 1,7 | 4,4 | 4,1 | 8,4 | 7,8 |
| 12 | 2.1 | 1,8 | 4,7 | 4,5 | 8,6 | 8,1 |

Юқоридаги жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, олинган штаммлар колонияларининг бошланғич даврида ўсишида фарқлар яққол кўзга ташланган бўлса, кейинчалик бу фарқ жуда кам бўлди. Иккинчи суткада НК 35 штаммнинг колонияларининг ўртача диаметри 2,3 ва 2,1 см. , РР 77 штаммларининг колониялари ўртача диаметри 1,9 ва 1,7 см. кам бўлди. 12 маҳаллий штаммини эса 2,1 ва 1,8 см. га тенг бўлди.

Тўртинчи суткада ҳам штаммларнинг колонияларини ўртасидаги бундай фарқ сақланиб турди.

Еттинчи суткага борганда эса ўрганлаётган штаммлар колониялари ўсишидаги фарқ 8,6-9,5 ва 8,1-8,9 см. га етди.

Демак, ушбу тажриба натижаларидан тегишли хулоса чиқарган ҳолда чиғаноқ қўзиқорининг оналик культурасини етиштиришда энг мақбул озиқа муҳити сифатида сусло агарини ҳам тавсия этиш мумкин.

■ У.РАХМОНОВ,
Ғ.ЖУМАНАЗАРОВ,
Б.ШОДМОНОВ,
Тошкент Давлат аграр университети тадқиқотчилари.

## Мундарижа

Реклама ...3
Хабар ва янгиликлар ...4
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва
ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш
чора-тадбирлари тўғрисида ...6
Лутфия МИРЗАЕВА. Қадримиз янада ошди ...15
Комила ИШОНҚУЛОВА.
Ҳосилдорликни оширувчи тадбир ...17
Мўмин ОСТОНОВ. Солиқ қонунчилиги ...18
Луқмон БЎРИХОН. Танланган йўл ...21
Шерзод АЗИЗОВ. Келажакка қўйилган қадам ...22
А. АЛЛАБЕДИЕВ.
Иқтисодиётнинг устувор йўналиши ...24
Қ. АЛИҚУЛОВ. Мақсад — халқ фаровонлигини ошириш ...26
У. РАХМОНОВ, Ғ. ЖУМАНАЗАРОВ, Б. ШОДМОНОВ.
Чиғаноқ қўзиқорин ...29
О. ЭШДАВЛАТОВ, Х. ЭРГАШЕВ, А. ТЛЕУМУРАДОВ.
Асаларингиз қишловга тайёрми? ...30
Д. ЁРМАТОВА, Н. ҲАБИБУЛЛАЕВА, Ф. АБДУМАЛИКОВА.
Табиий ҳодисалардан хушёр тортайлик ...32
Абдулла ҚУРБОНОВ. Сифатли чавоқ балиқчиликни
янада ривожлантиради ...34
Реклама ...35
Нормурод МУСОМОВ.
Шижоат ...36
Реклама ...38
Реклама ...39
Зарифжон АБДУЛЛАЕВ.
Чўл фермерга бағрини очганда... ...40
Муҳаммадали МАМАДАЛИЕВ.
Бир куни Афанди... ...41
Нигора ЭРКИН қизи.
Бир парча ер... ...42
Яшна ЭМИНОВА. «Қалпоқчали мўъжиза» ...44
Бахтиёр КАРИМОВ.
Сабзавотчиликда қиш олди амаллари ...47
Гўзал БЕГИМ. Саҳродаги ёвшан ифори ...48
Нигора ЎРОЛОВА. Мақсад — соҳа самарадорлигини
таъминлаш ...53
Ш. МАХАМАДАМИНОВ. Пиёз уругини етиштиришнинг
ўзига хос хусусиятлари ...56
Ситора ТОЖИДДИНОВА. Ақида илми алломаси ...58
Чонг Ёнг ЧЕОЛ. Ёмгир ...60
Кришан ЧАНДАР. Йўлда ...61

**Фермер**
**ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛИ**

**МУАССИС:**
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши, З.М.Бобур номидаги халқаро жамоат фонди таъсисчилигидаги «Zaytun bog'lari» МЧЖ.

**ҲАМКОРЛАРИМИЗ:**
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзкоёғсаноат» акциядорлик компаниялари, Пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари.

**Бош муҳаррир**
Абдирасул ЖУМАҚУЛОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Саидкамол ХОДЖАЕВ
Зокиржон МАШРАБОВ
Баходир ЮСУПОВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Тоштемир ТУРДИЕВ
Файзулло БЕРДИЕВ
Шерзодбек ЮЛДАШЕВ
Дилфуза ҚЎЗИЕВА
(Масъул котиб)
Дилором ЁРМАТОВА

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашрдан кўчириб босилганда «Фермер»дан олинганлиги манба сифатида кўрсатилиши шарт.
**e-mail: info@fermeruz.uz**

**Навбатчи муҳаррир:**
Қурбон ЭШМАТОВ
**Саҳифаловчи-диз@йнер:**
Ғафуржон МАДАЛОВ
**Мусаҳҳиҳ:**
Яшна ЭМИНОВА

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0172-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Босмахонага топширилди: 2017 йил 29 ноябрь соат 10:00 да. Босишга рухсат этилди: 2017 йил 29 ноябрь соат 14:00 да. Қоғоз бичими 60x84/8. Офсет усулида, 80 грамм офсет қоғозда босилди. Шартли босма табоғи 8. 11020 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Буюртма №17-759. Журнал «O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 69 уй.
**Телефонлар:** (0-371) 241-25-94, 241-27-98, 241-26-81, 241-17-03. Факс: 241-16-84.
**Обуна индекслари: 1147, 1148**

2017 йил
№11 Ноябрь

Журнал 2007 йил март ойидан чиқа бошлаган.

**Босмахона манзили:**
Тошкент шаҳри,
А.Навоий кўчаси,
30-уй.

ISSN 2181-5895

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА